



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

№ 13 (4568) // 2020-yil 27-mart

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASIDA KORONAVIRUS INFEKTSIYASI KENG TARQALIŠINING OL DINI OLIŠGA DOIR ҚЎŠIMЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ҳамда беморлар саломатлигини тиклашда нодавлат тиббиёт ташкилотлари имкониятларидан фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан коронавирус инфекцияси тарқалиши асоратларини камайтириш, беморларга самарали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида давлат тиббиёт муассасаларида 5 мингдан ортиқ ўрин-жойлар захираси яратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг (кейинги ўринларда – Махсус комиссия):

нодавлат тиббиёт ташкилотларига шошлинч профилактика ва эпидемияга қарши чоралар кўрилишини талаб қилувчи юқумли касалликлар қаторига киритилган коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга, истисно тариқасида, 2020 йил 1 сентябрга қадар тиббий хизмат кўрсатишга рухсат бериш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни фақат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки: коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш учун нодавлат тиббиёт ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, истисно тариқасида, танлов (тендер) ўтказмасдан аниқланади;

нодавлат тиббиёт ташкилотларининг коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Инкирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

ушбу қарорнинг 2-банди иккинчи хатбошида белгиланган муддат Махсус комиссия томонидан ўзгартирилиши мумкин.

4. Ўрнатилсинки, эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, зарурат юзага келганда Махсус комиссия қарорига асосан коронавирус инфекциясини аниқлашда нодавлат тиббиёт ташкилотлари билан келишилган ҳолда уларнинг лаборатор-диагностика хизматларидан фойдаланилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

нодавлат тиббиёт ташкилотларида коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларни тезкорлик билан тузиш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари тиббиёт ходимларига коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ҳамда уни даволашнинг замонавий ва самарали усулларини қўллаш юзасидан амалий кўникмаларни ўргатиш; коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда нодавлат тиббиёт ташкилотларининг лаборатор-диагностика хизматларидан фойдаланиш бўйича Махсус комиссияга таклиф қилиш;

беморларни нодавлат тиббиёт ташкилотларига жойлаштириш ва даволаш натижаларининг қатъий ҳисобини юритиш;

нодавлат тиббиёт ташкилотларининг хизмат кўрсатувчи ходимларини шахсий гигиена талабларига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатишларини таъминлаш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари бино-иншоотларининг дезинфекция воситалари билан тизимли равишда ишлов берилишини таъминлаш; дезинфекция тадбирларини тўлиқ амалга ошириш учун етарли миқдорда дезинфекция воситалари захирасини яратиш чораларини кўрсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

KORONAVIRUS INFEKTSIYASI TARQALIŠIGA ҚАРШИ КУРАШИШГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ТИББИЁТ ВА САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ҚЎŠIMЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Жаҳон миқёсида тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимлари коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олиш, аҳоли саломатлиги ва санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга қўшаётган улкан ҳиссаларини ва фидокорона хизматларини эътироф этган ҳолда, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ишларига жалб этилган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни қўшимча ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга хар 14 кунлик фаолият даври учун қуйидаги миқдорларда (солиқлардан ташқари) махсус қўшимча рағбатлантириш тўлови (кейинги ўринларда – махсус тўлов) белгилансин:

врач ходимларга, врач-лаборантларга – 25 миллион сўм;

ўрта тиббиёт ходимларига, ҳамшира-лаборантларга – 15 миллион сўм;

кичик тиббиёт ходимларига – 10 миллион сўм;

бошқа ходимларга – 5 миллион сўм.

Инкирозга қарши курашиш республика комиссияси (А.Н.Арипов)

бир hafta муддатда махсус тўловларни олувчи мазкур бандда назарда тутилган тадбирларга жалб қилинган бошқа ходимларнинг қўшимча рўйхатини тасдиқласин.

2. Белгилансинки, махсус тўловлар қарантин амал қиладиган муддат давомида, шу жумладан, жорий йилнинг март ойи учун, ходимнинг хар 14 кунлик фаолият даври якунида тўлаб берилади.

3. Коронавирус инфекциясини юктирган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 март

ва соғлиғи тикланмаганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган қўшимча тўловлар миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган, зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни юқори химоя даражасига эга бўлган шахсий химоя воситалари комплекти билан мунтазам равишда таъминласин.

5. Мазкур қарор ижроси билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Инкирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Коронавирус инфекциясини юктирган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва соғлиғи тикланмаганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган қўшимча тўловлар МИҚДОРИ

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекцияси юктириб олган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга тўланадиган бир марталик тўлов миқдори	100 миллион сўм
Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекциясини юктириш натижасида оғир аҳволга тушган ва соғлиғи тикланмаган тақдирда тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга ёки уларнинг оила аъзоларига тўланадиган бир марталик тўлов миқдори	250 миллион сўм

Изоҳ. Ушбу тўловлар қонун ҳужжатлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал ҳужжатлар ҳамда меҳнат шартномасига мувофиқ ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки бошқа оқибатлар юзага келиши муносабати билан тўланадиган тўловларни сақлаб қолган ҳолда қўшимча равишда амалга оширилади.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ШИФОКОРЛАРНИНГ ЎЗ КАСБИГА САДОҚАТИ, МЕХНАТИ – ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни қучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари ушбу масала бўйича халқимизга яна бир бор мурожаат қилди:

– Бугунги кунда бутун дунё, инсоният оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Коронавирус инфекцияси 190 дан зиёд мамлакатга тарқалиб, пандемияга айланди. Афсуски, ушбу касаллик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Шу сабабли, Бош вазир раҳбарлигида республика комиссияси тузилиб, Инкирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди.

Пандемияга қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш учун жамғармага 10 триллион сўм миқдорда маблағ йўналтирилди.

Бу офатдан халқимизни асраш бўйича мамлакат миқёсида таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Хусусан, касаллик аниқланган илк кунданок барча таълим ва диний муассасалар фаолияти, халқаро ва ички жамоат транспортлари қатнови тўхтатилди.

Нодир ЖОНУЗОҚ

ХУАЁТИ ТУЛИ

Dugoin

Дунёда касал кўп...

Яна кам эмас

Соғ одамни касал қилувчи касалр.

Лукмони ҳақимлик даъвосидан маст,

Ўзлари давога мухтож –

Билмаслар.

Яхшиям Сиз борсиз,

Эй мунаввар зот,

Қалби либосидай покиза сиймо.

Иймон ва илми билган қўш қанот –

Бир эмас, юз эмас, минг-минглаб Сино!

Халойик уйига қамалиб ёппа,

Балодан хазар, деб чекинган чоғи –

Сиз бутун халқ учун бўлиб мудофаа,

Манзил айладингиз офат ўчоғин.

Ватанга хийлакор ёв суқилган дам

Жангга отлангандай доворак аскар,

Сизнинг журъатингиз эмас асло кам,
Жилмайдингиз: “Элнинг дуоси асрар...”

Эй, нажот ташувчи фаришта хилқат,

Илҳақ термилди Сизга ҳар бемор.

“Ох” деса, жонингиз чиққудай диққат,

Ҳаёт сарҳадида турибсиз бедор.

Шикаста қалб билан бир тану бир жон,

Неки касаллик бор – бўлиб кўрдингиз.

Гоҳ чора топдингиз, гоҳо йўқ имкон,

Минг бора тирилик-ўлиб кўрдингиз.

Хаста томирларга фақат эм эмас,

Мехрингиз элтгайдир сеҳрли игна.

Ором нима, балки эсларсиз эмас.

Ва лекин ҳеч кимга қилмассиз гина.

Қисмат бу...

Англаб ё англамагансиз,

Сиз туғилган кун Кўёш бўлган шол.

Касбингизни шундоқ танламагансиз –
Сизни танлагандир асли Тиббиёт!

Сиз борсиз – гўборлар арийди буткул,

Сиз борсиз – йўқолар жамики гардлар:

Кўзга кўринмаган зарралар тугул,

Кўзга кўринган тож талашган дардлар.

Дунё покланади,

Кўёшдан ато:

Шуълага тўлажак баланд-пастрлар ҳам.

Хамма соғаяди, тузалар, хатто

Соғ одамни касал қилган каслар ҳам.

Ҳавас қилгай улар сизга барибир,

Умрингиз узаимиш – туйинг бахт тотин:

Битта умр нима?!

Яшайсиз бир-бир

Сиз сақлаб қолган бор инсон ҳаётин!

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ:

ШИФОКОРЛАРНИНГ ЎЗ КАСБИГА САДОҚАТИ, МЕХНАТИ – ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Одамлар гавжум бўладиган жойлар, хусусан, барча буюм борзорлари, умумий овқатланиш шохобчалари вақтинча ёпилди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотлар ходимларига таътил берилиб, масофавий ишлашга ўтказилмоқда.

Мамлакатнинг барча тиббиёт муассасалари кучайтирилган иш режимига ўтказилиб, 11 та тиббиёт муассасаси ва 97 та сихатгоҳ, оромгоҳ ва ётоқхоналар карантинга ихтисослаштирилди.

Ушбу вирусли инфекцияни жиловлаш, тарқалишининг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш мақсадида уй шароитида 80 мингга яқин, стационарда 12 минг нафар фуқаро карантинга олинган.

Пандемияга қарши курашиш бўйича 100 минг атрофида тиббиёт ходимлари мобилизация қилиниб, уларга ҳокимиятлар, ички ишлар тизими, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари яқиндан қўмақлашмоқда.

Шунингдек, хориждаги фуқароларимизни қайтартириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Дастлаб уларни Хитойдан эвакуация қилган бўлсақ, ҳозирда барча давлатлардан олиб келинмоқда.

Хориждаги ҳамма дипломатик ваколатхоналаримизда штаблар

ташқил этилган. Охириги 10 кун ичида 20 та чартер рейслар амалга оширилди. Россия, Туркия, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Миср, Малайзия, Хиндистон, Таиланд, Индонезия ва Германиядан тўрт мингга яқин фуқароларимиз олиб келинди, кўшни давлатлар билан чегараларимиздан 80 мингдан ортиқ ватандошларимиз ўтказилди ҳамда юртимизда ташқил этилган профилаторий, санаторий ва бошқа шифо масканларида карантинга олинди.

Бундан ташқари, дипломатик миссияларимиз Россия, Хитой, Сингапурдан экспресс-тестлар, тиббий анжомлар ва гуманитар юкларни олиб келиш бўйича амалий ишларни бажармоқда, илғор давлатларнинг етакчи ва тажрибали мутахассисларини жалб этиш бўйича саъй-ҳаракатлар кучайтирилди.

Бир нарсани аниқ тушуниб олиш лозим. Бизда аниқланган касаллар сони кам-ку, 100 тага ҳам етмайди, хавотирга ўрин йўқ, деб хотиржам бўлиш ҳиёнат ҳисобланади.

Чунки, коронавирус менга юкмайди деб бефарқ юрганлар нафақат ўзининг, балки ота-онаси, фарзандлари, атрофидагилар, қолаверса, бутун халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини катта хавфга қўйишни чуқур англаб этиши керак.

Давлат томонидан кўрилатилган чоралар одамларимизнинг касалликни юктириб олиш эҳтимолини имкон қадар чегаралаш, вирусли инфекциянинг тарқалишини жиловлашга қаратилган.

Тиббиёт қанчалик ривожланган бўлмасин, давлат бунга қанча-қанча маблағ ажратмасин, одамларимиз шифокорлар тавсиясига амал қилмаса, тартиб-интизомли бўлиб, карантин қоидаларига риоя этмаса, барча кўраётган чораларимиз, пандемияга қарши курашиш учун сафарбар қилинган юз минглаб фидойи инсонларнинг меҳнати беҳуда кетиши мумкин.

Айрим ҳудуд раҳбарлари хозирга қадар фуқароларга мурожаат билан чиқиш ва юзага келган вазиятни аҳоли ўртасида тушунтириш чораларини кўрмапти. Маҳаллий телеканаллар, газета ва журналларда, ижтимоий тармоқларда ишлар лозим даражада ташқил этилмапти.

Вилоят, шаҳар ва туман, 4 та сектор раҳбарларининг эпидемиологик осойишталик учун шахсий жавобгар эканлиги ҳақида катъий огоҳлантираман. Сизлар коронавирус инфекциясининг тарқалишига йўл қўймаслик, карантин режимини бузишининг барча салбий оқибатларини аҳолига тушунтириш бўйича туну кун ишлашингиз шарт.

Маҳалла фуқаролар йиғинларига ҳам кўп эътирозларим бор.

Жойларда маҳалла фаолларининг роли умуман сезилмаяпти. Маҳалла раисларининг кўз олдида айрим фуқаролар кўп одамларни йиғиб, дабдабали маросим ва тадбирларни ўтказишни давом эттирмоқда.

Мисол учун, Фарғона вилояти Ёзёвон тумани Беруний маҳалласида яшовчи аёл Умрадан қайтиб келиб, уйда карантинда бўлиш талабларини қўпол равишда бузиб, эртаси кун 120 нафар кишини чакриб, дабдабали маросим ўтказган. Оқибатда унинг 4 нафар оила аъзоси инфекция юктиргани аниқланди. Яна қанча одам касаллангани ҳали номаълум.

Шу боис карантин қоидаларини бузганлик учун жазо чораларини кучайтириш тўғрисида парламентимиз қабул қилган қонунни имзоладим. Ушбу қонунга асосан, бундан бундан карантин даврида атрофидаги инсонларнинг соғлиғи ва ҳаётини хавф остига қўйганлар 10 йилгача озодликдан маҳрум этилади.

Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Санитария-эпидемиология назорати инспекцияси қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини қатъий таъминлаш шарт.

Ишончим комил, оиласи, фарзандлари, эл-юрти тинчлиги, соғлиғини ҳамма нарсадан устун қўядиган донишманд халқимиз бундай ҳолатга тушиб қолишни ҳеч қачон истамайди.

Коронавирус пандемияси бундан инсоният учун Яратганнынг берган бир синовидир. Халқимиз жипслашиб, шифокорларнинг барча тавсияси, кўрсатмаларига амал қилсалар, одамларимиз карантин даврида ҳаётини заруратсиз ўз хонадонларини тарк этмаса, касалликнинг илк белгилари аниқланганда, уни яширмай шифокорларга ўз вақтида мурожаат қилсалар, биз бу касалликни, албатта, енгамиз!

Коронавирусга қарши курашишдаги ўзига хос “жанг майдони”да тиббиёт ходимлари биринчи зарбани қабул қилмоқдалар. Олдин ҳақиқатни тан олиш адолатдан бўлади. Касалларга ўз вақтида ёрдам берилса, улар шифо топади, касалхоналарни тарк этади. Лекин, охириги касал тузалмагунча тиббиёт ходимлари иш жойини тарк этмайди.

Дунё бўйлаб, хусусан, мамлакатимизда шифокорларнинг ўз касбига садоқати, халқимиз, ота-оналаримиз, фарзандларимиз соғлиғи йўлида туну кун қилаётган меҳнати барчамиз учун жасорат намунаси бўлмоқда.

Шу сабабли, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга қўшаётган улкан ҳиссаларини ва фидокорона ҳизматларини эътироф этган ҳолда, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ишла-

рига жалб этилган тиббиёт, санитар-эпидемиологик ва бошқа ходимларни қўшимча ижтимоий ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида алоҳида қарорни имзоладим.

Карантин амал қиладиган муддатда коронавирусга чалинган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда фаолият олиб бораётган шифокорлар, эпидемиологларга ҳар 14 кунлик фаолият даври учун қўшимча 25 миллион сўм, ҳамшира ва лаборантларга 15 миллион сўм, санитар ходимларга 10 миллион сўм ва бошқа ходимларга 5 миллион сўм рағбатлантириш тўловлари берилди.

Бундан ташқари, беморлар билан ишлаш вақтида коронавирус юктириб олган тиббиёт ходимларига 100 миллион сўм миқдорда алоҳида тўлов берилди.

Ҳар бир тиббиёт ходимига алоҳида эътибор қаратиш, коронавирусдан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришган тиббиёт ходимларини карантинга олиш, уларга муносиб шароитлар яратиш бериш зарур.

Хурматли тиббиёт ходимлари, ўз ҳаёти ва соғлиғини гаровга қўйиб, пандемия билан курашаётган шифокорлар, ҳамширалар, санитар ходимларга бутун Ўзбекистон халқи номидан чексиз миннатдорлик билдираман.

ИЖТИМОЙ ВА ТИББИЙ МУҲОФАЗАНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, мазкур касаллик жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир этмоқда. Одамлар саломатлигидан иқтисодиётни устун қўйган давлатларнинг аччиқ тажрибаси бу йўлнинг нечоғлик нотўғри эканини кўрсатмоқда.

Шу боис мамлакатимизда инфекциянинг кенг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда касалликни даволашга барча куч ва воситалар сафарбар қилинди.

Хусусан, карантинга олинган фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида биринчи босқичда 10 минг ўринга мўлжалланган карантин зонасини барпо этиш ишлари якунланмоқда.

Ушбу вилоятда 2 та беш минг ўринли юқумли касалликлар шифохонаси қурилмоқда. Унинг мингталики биринчи блоки яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

Бундан ташқари, Сурхондарё, Наманган ва Навоий вилоятларида ҳар бири минг кишилик модуль касалхоналар ва карантин пунктларини жиҳозлаш ишлари бошланди.

Йиғилишда аҳолини ижтимоий ва тиббий муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликларида 300 мингга экспресс-тест ва 500 та сунъий нафас олдирish аппарати харид қилиш, хавф юқори бўлган аҳоли пунктларида кўчма лабораториялар ташқил этиш вазифаси қўйилди.

Шифокорларимизга амалий ёрдам бериш ва уларнинг малакасини ошириш учун хорижий мутахассисларни жалб қилиш, тиббиёт никоблари ишлаб чиқариш кунига 5 миллион донага етказиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар ўз ходимларининг камиди 50 фоизини ҳақ тўланадиган таътилга чиқариши, қолганлар масофадан ишлашга ўтказилиши зарурлиги таъкидланди.

Сурункали касалликка чалинганлар ҳамда 60 ёшдан ошганлар ташқарига чиқмаслиги, бундай ходимлар 100 фоиз меҳнат таътиliga чиқарилиши тавсия этилди.

Тиббиёт ва ҳарбий олий ўқув юртлири талабаларидан иборат қўнғилиллар жамоасини тузиб, ёлғиз

кексалар, боқувчиси йўқ оилаларга ҳамда олис ҳудудларга озик-овқат, гигиена ва дори воситалари етказиб беришни ташқил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистонга олиб кирилатилган дори-дармонлар, субстанциялар, тиббий техника ва бошқа зарур товарларни божхона тўловларидан, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш бўйича кўрсатма берилди.

Мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 19 мартдаги фармонида мувофиқ, бу борада кўплаб имтиёз ва преференциялар белгиланган эди.

Бугунги йиғилишда давлатимиз раҳбари бизнес вакилларининг фикрини инобатга олган ҳолда, уларга яна қўшимча энгилликлар бериш зарурлигини таъкидлади.

Қайд этилганидек, 1 октябрга қадар тадбиркорларнинг фойдаланилмаётган объектларига нисбатан мол-мулк ва ер солиғининг оширилган ставкалари қўлланилмайди. 1 ноябрга қадар коронавирус пандемияси туфайли молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган корхоналар банкрот деб эълон қилинмайди. Карантин муддати давомида тадбиркорлик субъектлари фойдаланаётган 3 минг 600 дан ортиқ давлат мулки объектлари бўйича ижара ҳақларини ундириш тўхтатилади. Шунингдек, барча лойиҳалар доирасида инвестициявий мажбуриятларни бажариш муддатлари 6 ойга узайтирилди.

Бундан ташқари, карантин даврида тадбиркорларнинг ҳисоб рақамини тўхтатиб қўйиш тақиқланади. Аҳолига товарларни етказиб бериш ҳамда ташқи хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш талаби вақтинчалик бекор қилинади.

Йиғилишда янги иш ўринлари яратишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги сифатида қайта ташқил этилиши маълум қилиниб, унинг асосий вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Бугун дунё аҳлининг ўй-ҳаёли, фикру зикрини коронавирус ҳақига қўлаб-оған. Кексаю ёш, каттаю қичиқ, мулозим, раият – тирик жон борки, тожсимон вирусга йўлқимаслик чораларини кўр्याпти.

Буюк ажододимиз Ҳаким Термизийнинг “Наводир ул-усул” асарини келтирилган воқеа ризқ Аллоҳдан эканига далолат қилади.

ЯХШИ ТИЛАКЛАР СЎРАЙЛИК

Ораларида Абу Мусо, Абу Молик ва Абу Омир каби саҳобалар бўлган ашъарийлар қарвони Мадинага хижрат қилди. Манзилга очликдан силласи куриб, бир алфозда етиб келдилар. Бир кишини Расулуллох саллаллоху алайхи васалламдан егулик сўраб келишга юборишди. Жўнатилган одам эшиклари олдида келганда ичкардан Пайғамбаримиз саллаллоху алайхи васалламнинг: “Ерда ўрмаловчи бирор нарса (жонзот) йўқки, унинг ризқи (таъминоти) Аллоҳнинг зиммасида бўлмаса! (У) унинг қарғоҳини ҳам, оромгоҳини ҳам билур...” оятини тиловат қилаётганларини эшитди. Ўзига ўзи: “Аллоҳга ашъарийлардан ҳам кўра ризқлантириш осонроқ бирор жонзот йўқ”, дея Расулуллох саллаллоху алайхи васалламга учрамай қайтиб кетди.

Бориб: “Хушхабар, сизларга ёрдам келмоқда!” деганида, шериклари бу гапни Расулуллох саллаллоху алайхи васалламга қўмак ваъда қилибдилар, деб тушунишди. Шу пайт уларнинг олдида нон ва гўшт тўла идиш кўтариб олган икки киши келди. Ашъарийлар ундан тўйгунарларча егач, таомдан ортиб қолганини Расулуллох саллаллоху алайхи васалламга қайтарайлик, У Зот буни бошқа муҳтожларга берсинлар, деб келишишди. Сўнг барчалари Пайғамбаримиз алайхиссаломнинг олдиларига бориб, таом учун миннатдорлик билдиришди. Расулуллох саллаллоху алайхи васаллам: “Мен сизларга ҳеч қандай егулик юборганим йўқ”, дедилар. Бир шерикларини Ул Зотнинг хузурларига юборганларини айтишганида, Пайғамбаримиз саллаллоху алайхи васаллам ўша одамдан нима гаплигини сўрадилар. У нима қил-

гани ва шерикларига нима деганини айтганида У Зот саллаллоху алайхи васаллам: “Мана шу Аллоҳнинг сизларни ризқлантиргандир”, дея марҳамат қилдилар.

Болгариялик олим-шифокор Весселин Йолов коронавирус туфайли омавий ваҳимага тушишга асло ҳожат йўқлигини таъкидлайди. Айни пайтда Интернет маълумотларига қараганда, дунёда саратондан, юрак хуружидан, диабетдан, зарарли хашаротлар чакитиш оқибатида, автоҳалокат ва китиллик туфайли бир кунда минг-минглаб одамлар ҳаётдан кўз юммоқда.

Инсонни омадсизликка, касалликка, фақирликка туширадиган, дуосининг ижобатини тўсайдиган нарса ҳам – унинг хатолари. Қанча кўп истигфор айтсак, қанча кўп дуо қилиб Яратганнынг Ўзидан сўрасак, шунча кўпроқ мушкулларимиз енгилашади.

Таъкидлаш жоизки, киши мусулмон бўлиши учун Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, Қиёмат кунига, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳдан эканлиги унутмасдан, бунинг учун ваҳимага тушмасдан, тўғри йўл тутиб, янада жипслашиб, раҳбарларнинг сўзларига катъий риоя қилишлари шарт бўлади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг коронавирус (COVID-19) инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича фатвоси эълон қилинди. Бу фатвои муфтий ҳазратлари омавий ахборот воситалари орқали барчага маълум қилдилар.

Мухтарам Президентимиз бошчилигида давлатимиз, ҳукуватимиз халқимизга доимо яхшиликни рабб кўриб, турли салбий ҳолатлардан авайлаб-асраб келаяпти. Худога шукурки, бу дарддан ҳам халқимизни ҳалос қилиш учун барча зарур ва керакли чора-тадбирлар амалга оширилатганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Юртимиздаги ҳар бир мўмин-мусулмон ортиқча ваҳимага бериб, саросимага тушмасдан, динимизга ҳам, қонун-қоидаларимизга ҳам, миллий қадриятларимизга ҳам, шарқона одоб-ахлоқимизга ҳам тўғри келмайдиган ҳаракатлар қилмасдан, балки уни ўрнига ўзимизга ҳам, оила аъзоларимизга ҳам тозалик-озодаликни лозим тутиб, гигиена қоидаларига катъий риоя этсак, иншоаллох, бу бало тезда даф бўлади.

Ҳозирги ойлариимизнинг номлари таквимларда 7-чи ой бўлиб, доно халқимиз неча асрлардан бери бу ойлари “ражаб ойлари” деб улуғлаб келган. Ражаб ойлари баракали ва улуғ ой бўлиб, ундаги озгина яхши амал эвазига қўллаб ажру савоблар берилди. Ибодатлар ва дуолар ижобат бўлади. Ражаб ойда нафл рўза тутиш ҳам савобли иш ҳисобланади. Кўп ҳадисларда келган тавсиялар ушбу муборак ва улуғ ойланинг кечаларини тоатибодатда, зикр ва дуоларда ўтказишга қаратилган.

Аллох таоло “хурматланган” ойларида, айниқса, гуноҳ ишлардан сақланишга, мазкур ойлари имкон қадар кўпроқ ибодат, зикруллох билан ўтказишга буюради.

Биз ҳам бундай улуғ ойлари, фазилатли кунларни билар ҳам ганимат билиб, юртимиз, эл-халқимиз, маҳалламиз, оиламиз, қариндошларимиз, қўшнилариимиз, дўстларимиз, яқинларимиз, Ер юзидagi инсонлар ҳақларига Яратгандан яхши тилаклар сўрайлик.

Илоҳо, жаннатмонанд юртимизнинг тинчлиги ва равақи йўлида мухтарам Юртбошимизнинг раҳбарликлари остидан олиб борилаётган барча хайри, савобли ишларда Аллох таоло Ўзи мададкор бўлсин!

Иброҳимжон ИНОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

Алишер Навоий асарларини ўқиб тушуниши, ундан тўлақонли баҳра олиши бахти даҳо шоиримиз яшаган замонадаёқ зиёвларнинг улуғ истаги, орзуси бўлган. Шунинг учун шоир тириклигидайёқ унинг асарларига лугат тузила бошланган ва бу иш асрма-аср давом этган.

Ўзбекистонда яқка ижодкор шахс асарлари лугатининг яратилишида Алишер Навоий ҳақи равишда биринчи ўринда туради. Бу ҳолатни икки жиҳатдан изоҳласак бўлади: биринчидан, энг кўп лугатлар Алишер Навоий асарларига яратилган; иккинчидан, мумтоз адабиёт умумий лугатларининг асосий қисми Навоий сўзларидан иборат, десак ҳам муболага бўлмайди. Буни Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимов тузган “Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат” (1952), В.Раҳмонов тузган “Ўзбек классик адабиёти асарлари

Афсуски, “аниклик тарафдорлари” сўзни чет элик киши ўқитгандек: “Муҳокама-т-ул-луғатайн” деб ёзиб келганликлари маълумдир. Бу лугатда ҳам, ҳар тўқисда бир нуксон, дегандек тасодифий нуксонлар йўқ эмас. Чунончи, куйида “Абул” сўзи “бобо” тарзида изоҳланган. Холбуки, бу сўзнинг лугати “ота”дир. АБУЛ-АЖАМ — форслар бобоси (23-бет). Куйидаги ҳолатда эса бош сўз ва транскрипцияда сўз шакли нотўғри кўрсатилган. Ваҳоланки, матнда бу сўз саҳихдир: БАЙН – ИШОАЙН — икки овқат орасида:

УЗОҚ КУТИЛГАН ЛУГАТ

учун қисқача лугат” (1983), “Мумтоз адабиёт манбалари лугати” (2010), “Мумтоз асарлар лугати” (2019), Жавқон Лапасов тузган “Мумтоз адабий асарлар ўқув лугати” (1994), Бердак Юсуф тартиб берган “Мумтоз адабий асарлар лугати” (2010) китобларидан ҳам аник кузатса бўлади.

Янги лугат – Бердак Юсуфнинг “Навоий тили лугати” (1-жилд, “Шарқ” нашриёти) беш жилда мўлжалланган. Ушбу нашрнинг олдинги Навоий лугатларидан фарқи жиҳатларига тўхталсак, улар куйидагилардир:

- тузиллишга кўра: 1) бош сўз; 2) сўзнинг кўпик ёки бирликдаги шакли; 3) сўзнинг араб ёзувидаги ифодаси; 4) сўзнинг аслида қайси тилга мансублиги; 5) сўзнинг илмий транскрипцияси; 6) сўзнинг лугати, изоҳи.
- Чунончи:

АЛБИСА а. (бирл. *libos*) [albisa] – либослар, кийимлар:

Ва маъҳудий албисадин мисли: дастор ва калпок ва наврўзий ва тўппи ва шардоғ... йўсуялуғ нималарни барисин турк тили била айтулар.

Бундай тўлақонли тасниф, албатта, ҳамма сўзларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Б.Юсуф лугатининг илмий жиҳатдан олдинги Навоий лугатларидан яна бир афзаллиги шундаки, бунда тил тарихи илми талаблари асосида сўзнинг Алишер Навоий давридаги шакли ва талаффузи янабатта олинган. Таассуфки, олдинги лугатларимизда йилма хилоф равишда юзлаб арабча ва форсча сўзларни бугунги ўзбекча талаффузга мослаштириб, сўз шакли бузиб берилган. Чунончи: вокез – вокь, зоеь – зойиь, гети – гити, рафеь – рафь, гесу – гису, мутеь – мутгь, доир – дойир, эхсон – ихсон, андеша – андиша, пари – парий, андўх – андух, бино – бийно, эхтисоб – ихтисоб, бадеь – бадий, бинанда – бийнанда, эълон – иълон, эхтироз – ихтироз кабилар.

Яна бир фазилати шундаки, бу жилддаги сўзларнинг аник микдори кўрсатилган (4730 та бош сўз). Навбатдаги ютуғи китоблар номидаги сўзларро боғловчилар имлосига аниклик киритилганидир. Чунки амалиётда хато тарзда “ал” алоҳида ёзилиб, олди ва сўнгидан чизикча кўйилар эди. Бердак Юсуф “ал” (ул, ун, ан, ут)ни олдинги сўзга кўшиб тўғри қилган ва бу билан сўз талаффузини осонлаштирган. Чунончи: “Махбул-қулуб”, “Лисонут-тайр”, “Муҳокама-луғатайн” сингари.



Яна биров накл қилибдурки, Рамазон ойи байналишоайн бозорга бордим (182-бет).

Бунда лугат ҳам тўғри эмас. “Икки намоз ораси” бўлади.

Бизнингча, бу лугатда бейла, буйла, бўйла сўзларининг қайси бири саҳихлиги тўғри ҳал этилмаган. Лугат муаллифи “бейла” шаклини қабул қилган:

БЕЙЛА – бундай: Мен бейлаву ул заиф бейла, Кел иккаламизга чора айла (236-бет).

“Эйла”, “айла”, “уйла” ва “ўйла” – тўрт шаклдаги бир сўзнинг ҳам Бердак Юсуф танлаган шакли бизга маъқул эмас. Бу сўз қисматини ўнлаб мисоллар муҳокамаида ҳал қилмоқ керак. Чунки юқоридаги мисол “эйла” шаклини эмас, балки аник “айла”ни талаб этмоқдаки, бу ҳолатда биз муаммоли ҳисоблаган сўз бу эмасдир.

“Лайли ва Мажнун” дostonининг илмий матнида кофиядош сўзлар саҳихдир: “буйла” ва “айла”дир. Бу таклифимизни лугатнинг шу саҳифасидаги мисол ҳам тасдиқласа керак:

Эрур ишк аро бўйла аъжубалар, Ки, бейла билмас бу мансубалар (236-бет).

Ушбу лугатда сўзнинг кўплаб маънолари ва маъно кирралари, мажозий маъноларини кашф этишда жиддий ютуқларга эришилган. Чунончи, “Навоий тили лугати”да “бор” сўзининг ўн икки маънодаги талқини берилган:

БОР I – I. мавжуд: Мазраи айшим кўкармайдур самуми оҳдин, Йўкса ёшдин мунча намким,

менда бордур, кимда бор. “Наводируш-шабоъ”, IV-111.

2. –дир кесимлик кўшимчаси вазифида келади:

Яна даги сўз кўп бор. “Тарихи мулуки ажам”, XVI-197. Мавлоно Жамшид эмди пайдо бўлгон хуштабь йнгитлардиндур. Ободон котиб ҳам бор.

“Мажолисун-нафос”, (TM-101).

3. барча, ҳамма: Фосикки эрур бор иши муҳмал, Ёрликасанг ани кимга мадҳал.

“Лайли ва Мажнун”, (LM-33).

БОР II [bar] – мева: Заъфлик жисмим эгилди қасрати пайконидин,

Бу йнғочнинг шохини ҳам айлаган борин кўрунғ.

“Бадоеъул-бидоя, I-307.

БОР III [bar] – қабул, руҳсат: –топ – руҳсат олмоқ, қабул этилмоқ, эътибор топмоқ:

Гар толиу бахт ёр топсанғ, Жонон ҳарамиға бор топсанғ.

“Лайли ва Мажнун”, IX-189.

БОР IV [bar] – юк: Ва хили лафз ҳам топилурки, тўрт маъниси бўлғай, андоқки, бор лафзики, бир маъниси мавжуддур ва бир маъниси амрдур борувға ва бир маъниси юкдур ва бир маъниси самардур.

“Муҳокама-луғатайн, (L-12).

БОР V [bar] – худо, оллоқ: Бўлай усрукки бор олдида бир жав, Демай Фарҳоду Ширин, балки Хусрав.

“Фарҳод ва Ширин, VIII-433.

БОР VI ф. [bar] – кўшма сўзлар таркибида келиб ёғдирувчи, таратувчи, тўқувчи, тарқатувчи маъноларини аниқлади: қ, анбарбор.

БОР - [bar] – I. яқинлашмоқ, ташриф буюрмоқ:

Неча дедим ул санамға бормағин, Қилмади ул тарк охир бормағин.

“Бадоеъул-васат, V-519.

2. тил топишмоқ, чиқишмоқ: Сортка гарчи бу борур яхшилар,

Турк ила ҳам яхши борур бахшилар.

“Хайратул-аброър”, (TM-133).

3. окмоқ: Кўйига пинхон бориб, захким

не янглиғ ёшураи,

Ким, қаён борсам яралардин

борур кон ҳар тараф.

“Бадоеъул-васат”, V-222.

Ани кўтардилар, хирқасини кондин юдилар ва қон борган рағларин боғладилар.

“Насойимул-муҳаббат”, (TM-67).

4. ўлмоқ: Қарилик айбини ёшурса бўлмас

Борур чоғ бўлди, боқиб турса бўлмас.

“Фарҳод ва Ширин”, VIII-112.

Бизнингча, бундай ютуқлар табриқлагуликдир. Ўз томонимиздан “бор” сўзининг яна икки: “борича” ва “кеттин” маъноларини ҳам таклиф қиламиз:

Эй Навоий, ишқ дардининг шикоят қилмақим, Жонинга жаврў жафосин ҳар кечақим **бор** этар. Лугатан “бор”ни [устига] ортмоқ маъносини ҳам қайд этамиз: кетсин:

Лола кон узра бўялиб, ўт уза анбар кўюб, Бор, парихон, чикмаган гойиб чечаклардур пари.

“Ғаройибус-суғар”.

Навбатдаги мулоҳазаларимиз:

бу китобга “Навоий тили лугати” номи тўғри-микан; балки “Навоий асарлари тили лугати” дейилса, мантқиқийроқ бўларди...

Бердак Юсуфнинг “Навоий тили лугати” китоби янги давр навоийшунослига кўшилган жиддий ва муҳим ҳиссадир.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган маданият ходими

ХАЛҚИМИЗ ХОТИРАСИДА ЯШАЙДИ

Ўлим – ҳақ, дейдилар. Начора, узок давом этган касаллик ардоқли адиб, меҳрибон устоз, бағри кенг инсон Охунжон Ҳақимовни орамиздан олиб кетди.

О.Ҳақимов 1934 йил 20 февралда Фарғона вилоятининг Логон қишлоғида туғилди. Ўрта мактабни битирганидан сўнг, Фарғона давлат педагогика институтида таҳсил олган, вилоят ва республика газет ва журналларида фаолият кўрсатди.

Таникли шоир адабиёт оламинга ўтган асрнинг эллигинчи йиллари охирида кириб келди ва сермазмун асарлари адабий жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилди.

Ўтган даврда унинг ўттизга яқин шеърин тўпламлари, қисса ва драмалари чоп қилинди. Шоирнинг “Илхом водийси”, “Фарғона рубойиси”, “Ватан қасидаси”, “Лирика”, “Достонлар”, “Кўзларингни ўзи қора”, “Қизлар ҳаёл сурсалар” каби шеърин тўпламлари талабчан шеърят иҳлосмандлари қалбидан чуқур жой олди.

О.Ҳақимов кўшиқнавис шоир сифатида ҳам хурмат-эҳтиромга сазовор бўлди. Унинг кўплаб шеърлари дилбар кўшиқларга айланган.

Мамлакатимиздаги таникли ҳофиз ва ёш ижрочилар унинг шеър ва ғазалларига басталанган дилтортар кўшиқларни маҳорат билан ижро этиб келмоқдалар.

Адибнинг ҳар бир асарида халқимизнинг ватанпарварлиги ва меҳнатқашлиги, матонати ва метин иродаси, юртдошларимиз қалбида кечган туйғу ва ҳаяжонлар, орзу-интилишлар яққол бўй кўрсатиб туради. У қайси мавзу, қайси жанрда ижод қилган бўлмасин, ҳаммиса одамларимизнинг бахт-саодатини мадҳ этишни, маърифат ва маънавий янада юксалтиришни ўз олдига қатга мақсад қилиб қўйди.

“Қадр”, “Хотинимнинг муовини” каби кўплаб ҳикояларида халқимизнинг сўзга чечанлиги, аския ағналари замирида юрт одамларининг бағрикенглиги, самимийлиги ўзига хос тарзда ифода қилинган. “Қўш қабутлар”, “Бақирок туянинг тушлари”, “Бу чоллар — ёмон чоллар” каби пьесалари республика театрларида муваффақиятли саҳналаштирилган. Шоир яратган “Қўлларим кўксимда”, “Тафаккур боқий”, “Ўшал кун келур” каби достонлар китобхонлар томонидан илиқ қарши олинган.

Ўлимнинг меҳнати давлатимиз ва халқимиз томонидан юксак қадрлангани, у “Меҳнат шухрати”, “Эл-юрт хурмати” орденлари, шунигингдек, “Ўзбекистон Республикаси халқ шоири” фахрий унвони билан тақдирланган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ўзбекистон Халқ шоири О.Ҳақимовнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзолари ҳамда яқин қариндошларига чуқур ва самимий ҳамдардлик билдиради.

Ардоқли адиб, меҳрибон устоз Охунжон Ҳақимовнинг хотираси халқимиз ёдида ҳаммиса сақланиб қолади.



Мустақиллик йилларида адабиётнинг ундан зиёд шеърин ва насрий китоблари, “Сайланма” ҳамда уч жилдлиқ танланган асарлари нашр этилди.

О.Ҳақимов назм, наср, драматургия, бадий публицистика ва таржима соҳасида ҳам ўзидан бой адабий мерос қолдирди.

Таникли адиб сўнгги йилларида “Тошёнғок” номли роман ёзди. Адабиётшунос олимлар томонидан муҳокама этилиб, юксак баҳоланган ушбу асар айни пайтда чоп этиш учун тайёрланган. Мазкур йирик насрий асарда халқимизнинг шу пайтга қадар етарлича ёритилмаган ўтмиш саҳифалари ёркин ифодаланган.

О.Ҳақимов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими қошидаги “Олтин қалам” тўғарага кўп йиллар давомида раҳбарлик қилиб, ёш истеъдоларни тарбиялаш ва кашф этишга муносиб ҳисса қўшди.

Адибнинг меҳнати давлатимиз ва халқимиз томонидан юксак қадрлангани, у “Меҳнат шухрати”, “Эл-юрт хурмати” орденлари, шунигингдек, “Ўзбекистон Республикаси халқ шоири” фахрий унвони билан тақдирланган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ўзбекистон Халқ шоири О.Ҳақимовнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзолари ҳамда яқин қариндошларига чуқур ва самимий ҳамдардлик билдиради.

Ардоқли адиб, меҳрибон устоз Охунжон Ҳақимовнинг хотираси халқимиз ёдида ҳаммиса сақланиб қолади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Китобда Шайхзода асарларини ўзбек тилидан озарбайжон тилига таржима қилган ижодкорлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Хусусан, муаллифнинг “Мирзо Улуғбек” трагедиясини Наби Хазрий, “Жалолоддин Мангуберди” драмасини эса Айваз Борчали, “Тошкентнома” дostonини Наримон Ҳасанзода таржима қилган.

Ушбу тўплам олим ва шоир Мақсуд Шайхзода ҳақида экан, айрим мулоҳазалар билан ўртоқлашишни лозим топдик. Маълумки, Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида ижодкорнинг шахсий архиви сақланади. Архив марҳум адабиётшунос Саидбек Ҳасанов томонидан илмий тавсиф қилиниб “Мақсуд Шайхзода архиви” каталоги сифатида (1985) нашр этилган. Архивдан шоирнинг бутун умр давомида яратган асарларига асос бўлган материаллар, қайдлар, тарихий-адабий манбалардан олинган таржималари ҳамда баъзи асарларининг қорамалари жой олган, энг муҳими, булар барчаси ҳужжатлаштирилган. Масалан, “Мирзо Улуғбек” трагедиясини ёзиш чоғида тарихчи Абдураззок Самарқандийнинг “Матла ус-саъдайн” асари қўлзмасидан Мирзо Улуғбек ҳақидаги маълумот кўчириб олинган. Архивда ўз даврида адабий мунозараларга сабаб бўлган “Жалолоддин Мангуберди” драмаси юзасидан “Қизил Ўзбекистон” газетаси (1944

йил 14 май) саҳифаларидаги муҳокама материаллари мавжуд. Бундан ташқари, Шайхзоданин докторлик диссертация иш режаси бўйича таникли шарқшунос Е.Э.Бертельснинг ширга ёзган мактуби (1951 йил 12 август) сақланади. Бу каби маълумотлар тадқиқотчилар учун ижодкор лабораториясига кириши, давр адабий жараёнининг қайноқ тафтини хис қилиш, Шайхзоданин тарихий материаллар билан ишлаш каби фазилатларини илмий тадқиқ этишда муҳим ўрин тутади.

Китобни нашрга тайёрлаш жараёнида жонбозлик кўрсатган, барча материалларни бир жойга йиққан филология фанлари номзоди Гулноз Сатторова ва филология фанлари доктори Олмос Улвий хонимнинг хизматлари алоҳида эътирофга лойик. Яна бир нуқтани таъкидлаш лозимки, китобдан мақола ёхуд хотиралари жой олган шахслар ҳақида ихчам, қисқа маълумотлар берилса, китобхонлар учун бирмунча қулайлик бўларди. Қисқаси, ушбу тўплам ўзбек-озар адабий алоқаларининг, илмий ҳамкорлигининг яна бир кўзгуси сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Гулчехра АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи илмий ходими

ИККИ ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

2019 йили Озарбайжонда атоқли шоир ва олим Мақсуд Шайхзода ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган “Икки халқнинг ўғли Мақсуд Шайхзода” номли китоб нашр қилинди. Китобдан шоир ижодий мероси, илмий ишлари ҳақида Озарбайжон ва ўзбек олимларининг мақолалари, шунигингдек, замондошларининг хотиралари ҳам жой олган.

Адабиётшунос, академик Наим Каримов мақоласида Мақсуд Шайхзоданин ёшлиқ чоғлари, оиласи ҳақида бир қатор янги маълумотлар келтирилган. Шайхзоданин отаси Маъсумбек Шайхлиев Москва университетининг тиббиёт факультетини тугатган, онаси Фотимахоним эса “Қизлар гимназияси”да таълим олган бўлиб, рус, грузин ва турк тилларини яхши билган, илмий-маърифатли аёллардан эди. Маъсумбек врач бўлишга қарамай адабиётга, саъбатга ҳаваси баянд, зиёли киши бўлган. Оиладан мухит сабаб Шайхзода 5 ёшида 8-10 мисра масал тўқиганини ўзи кейинчалик эслади. Бу каби қизиқарли давлалар китобда талайгина.


Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди Шайхзода илмий меросида муҳим

ўрин тутганлиги боис адабиётшунослар ўз мақолаларида шоирнинг Навоий ҳақидаги ишларига алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, А. Улуғов, А.Эшонбобоелар Шайхзоданин шоир ижодига доир туркум мақолаларига тўхталиб, навоийшунослик тарихида тутган ўрнига алоҳида урғу берганлар. Жумладан, Абдулла Улуғов “Ғазал мулкининг султони” ибораси Мақсуд Шайхзоданин ҳаёлига тўсатдан келиб қолмаган, у мумтоз адабиётимизнинг улуг сиймосига самимий муҳаббат, чинакам эҳтиромдан туғилган деса, Абдирасул Эшонбобоелар Шайхзоданин “Классик адабиётимизнинг улуг сиймоси” номли мақоласида (1938) адабиётшунослигимизда илк маротаба “навоийшунослик” деган атамани қўллаганлигини эътироф этади.

Тўпландан М.Шайхзоданин В.В.Маяковский, Аветик Исаакян, Адам Мицкевич, Александр Пушкин, В.Шекспир, Махтумқули ва бошқа атоқли ижодкорлар асарларини ўзбек тилига таржима қилиб, адабиётимиз хазинасини бойитгани ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Шоирнинг замондошлари Юсуф Шомансур, Шукруллонинг эсдаликларига кўра М.Шайхзода ёш ижодкорлар шеърлари муҳожима қилинганда, фикир билдирганда ҳеч қачон ўзини билимдон қилиб кўрсатмас, бировни нуксон ва камчиликларини айтиб ранжитмаслиги учун ўзининг айрим шеърларини мисол сифатида кўрсатган.

Китобнинг дастлабки саҳифалари озарбайжонлик олимларнинг Шайхзода ҳақидаги мақолалари бошланади. Булар: Озарбайжон ФА Низомий Ганжавий номли Адабиёт институти директори, академик Исо Ҳабиб, филология фанлари доктори, Низомий Ганжавий номли Адабиёт институти “Озарбайжон-Туркманистон-Ўзбекистон



адабий алоқалари” шўъбаси мудираси Олмос Улвий хоним, филология фанлари доктори Яшар Қосимов, филология фанлари доктори Акиф Азалп, филология фанлари доктори Халил Ризо Улутурк ва бошқалардир. Озарбайжон олимлари Мақсуд Шайхзода ҳаёти ва ижоди ҳақида, айрим асарлари, шеърлари ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этганлар. Китобнинг охири саҳифаларида эса шоирнинг набираси, шарқшунос Рустам Кенгерлинский бобоси ҳақида ўз хотираларини сўзлаб, бобом 8 тилни билар эди деб хотирлайди, ёшлиғида бобоси билан ўтган кунларни эслади.

Бобур БОБОМУРОД

ОЛАМДА ЯҶОНАМСАН...

Асонасан

Бир майзини бўлишган эл, Ойдай озиб, тўлишган эл, Дунё феълин билишган эл, Бағрикенгу мардонансан, Бу оламда яҶонамсан.

Дунёга тик боқиб кетган, Олов бўлиб оқиб кетган, Этанини қоқиб кетган, Шоҳ Машраби девонамсан, Бу оламда яҶонамсан.

Балки бойман, балки фақир, Розидирман — шудир тақдир, Бору йўғим сенсан, ахир, Кулбам ўзинг, кошонамсан, Бу оламда яҶонамсан.

Кўзга суртиб тупроғингни, Қўлингданга қалогингни, Айлай дейман ардоғингни, Мушфик отам, ҳам онамсан, Бу оламда яҶонамсан.

Юрагинни бериб ётсам, Дардларингни териб ётсам, Меҳринг билан эриб ётсам, Бошим узра парвонамсан, Бу оламда яҶонамсан!

Жими севаман

Юрагинда арслон ишайди, Қалбимда тоғ борга ўшайди, Кўнглим дарё бўлиб ишайди, Жим севаман, соқин севаман.

Ўзим билан ўзим қолганман, Буюқ дардин дилга солганман, Фойдаси йўқ ўйга толганман, Жим севаман, соқин севаман.

Ёниб туриб, куйиб туриб ҳам, Йиғласам ҳам, қулиб туриб ҳам, Севмаслигинг билиб туриб ҳам, Жим севаман, соқин севаман.



Доноларга дарс эрур ишким, Хом эканман — оташда пишдим, Тиргимда дўзахга тушдим, Жим севаман, соқин севаман.

Сени жондан, секин севаман, Кўп севаман, тўкин севаман, Ёмон кўриб, лекин севаман, Жим севаман, соқин севаман.

Қўлар

Ох, нақадар маънодор қўлар, Меҳр тўла вафодор қўлар, Қай пайт, қайси ҳолда бўлсам ҳам Қайтишимга интизор қўлар.

Тинчим ўйлар, ўзга ғам емас, Пул ё савоб-гуноҳим демас, Жонга ошно, мавқега эмас, Эгасидай хокисор қўлар.

Унга баланд — қадрим қиммати, Филологини — олий қиммати, Бор бўлсам бас — шудир миннати, Содда боққан миннатдор қўлар...

Эркак ошиқ бўлса гар, Гулдан бўса олади. Аёл ошиқ бўлса гар, Ёнар ўтда қолади.

Эркак ошиқ бўлса гар, Арслон тонар ўзидан. Аёл ошиқ бўлса гар, Ёмғир ёғар кўзидан.

Эркак ошиқ бўлса гар, Айб саналмас гуноҳи. Аёл ошиқ бўлса гар, Топилмағай паноҳи.

Эркак ошиқ бўлса гар, Унга қадах тутарлар. Аёл ошиқ бўлса гар, Ундан тавба кутарлар...

Ўзбекининг «ош»и

“Бугун менинг туғилган куним!” — Дўстларига деди қулиб жим. “Ош ерканмиз!” — дедилар хуррам, Чойхонада барча бўлди жам.

Деди: “Олдим мен янги улов!”, “Ош ерканмиз!” — дедилар дарров. Деди: “Кўрдим, жўралар, фарзанд!”, “Ош ерканмиз!” — дедилар хурсанд.

Сабаб бўлиб қанча баҳона, Анча ошлар ейилди яна. Улфатлари қош ила кўздек, Ош еб умр ўтказар ўзбек.

Қолди охир сўз демай йиғит, “Ош ерканмиз...” — дедилар жим-жит. Бориб-келиб қабри бошига, Тўпландилар сўнгра ошига...

Қулсам ҳам юзимда ғам менинг

Дунёга ўзимча келмадим, Келиб ҳам қойил иш қилмадим, Чехрамга не бўлган, билмадим, Қулсам ҳам юзимда ғам менинг.

Билинди балонинг анчаси, Совумас аламлар танчаси, Қолмади десам ҳам, қанчаси — Қулсам ҳам юзимда ғам менинг.

Гунчанинг заволи гулга хос, Тиканга, айтинглар, гулми мос, Севгидан сўз очманг, илтимос, Қулсам ҳам кўзимда кам менинг.

Кўнглими, меҳрми ёки зар, Илиндим барчага баробар. Фақат бахт дегани, биродар, Қулсам ҳам ўзимда кам менинг...

Эл қатори дунёга бир Келиб, бирпас кезиб кетдим. Дардин бесёр, озорни мўл, Бахтин элас сезиб кетдим.

Яшай деб айтманг мени, Дилни бесас эзиб кетдим. Ҳаёт кўрмай, нажот топмай, Охир, хуллас, безиб кетдим.

Сиеҳ бўлди қўзда ёшим, Тўхтаёт демас сизиб, кетдим. Қорага оқ билан харфлар — Ёзиб эмас, чизиб кетдим...

Кўнглим

Юр, кетайлик боғларга, Ём бўлмаган зоғларга. Соғларни бор эмиш, Бир Фарибга зор эмиш.

Юр, кетайлик тоғларга, Қалби бутун, соғларга. Харсанглари бор эмиш, Бир Фарходга зор эмиш.

Юр, кетайлик дарёга, Қўлни силтаб дунёга. Балкилари бор эмиш, Бир Тоҳирга зор эмиш.

Юр, кетайлик сахрога, Жой топилар тањхога. Охуларни бор эмиш, Бир Мажнунга зор эмиш.

Меҳр бериб одамга, Сигмадик-а оламга. Кимда кўнгли бор эмиш, Ўзи дилга зор эмиш.

Кўнглим-а, кўнглим, Кўнглим-а, кўнглим...

КИТОБ ОЛИНГ, УЙДА ҚОЛИНГ!

Тоҷимон вирус инфекцияси юртимиз бўйлаб тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири, сенатор Сирожиддин Саййид ташаббуси билан ажойиб лойиҳага қўл урилди. “КИТОБ ОЛИНГ, УЙДА ҚОЛИНГ!” “ҳэштег”и остида янги челленж эълон қилинди. Ушюма жамоаси карантин даврида юртдошларимизнинг уйда ўтиришларини мақсадга мувофиқ деб билиб, пойтахтимиз ва вилоятлардаги маҳаллаларга никобу кўлоқлар, “Ижол” жамоат фонди томонидан “Танланган асарлар”, “Адиб ва жамият” руқнларида нашр этилган китоблар совға қилмоқда. Ушбу улашма 24 март куни Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Қомолон маҳалласидан бошланди. Маҳалла ахлига никобу, кўлоқлар ва китоблар совға қилинди. Улашманинг навбатдаги манзили Тошкент вилояти Қибрай тумани Янги Арғин маҳалласи бўлди. Уюшманинги маъсул ходими Жўрабек Жаҳон ва “Дўрмон” ижод уйи директори Аскар Уматкулов Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Азим Суянов ҳамда бошқа устоз ижодкорларнинг хонадонларида бўлиб, тиббий никобу кўлоқлар улашган. “Дўрмон” ижод уйида дам олаётган ёзувчи-шоирлар ва ходимларга ҳам шахсий химоя воситалари берилди. Нега уларга китоб улашилди, дейсизми? Чунки ушбу ёзувчи-шоирларимизнинг ҳар бирининг хонадонидида қаттагина шахсий кутубхонаси бор. Шунинг учун ҳам челленжининг ушбу қисмида никобу ва кўлоқнинг ўзи тарқатилди.



Челленжининг навбатдаги манзили Шайхонтоҳур тумани “Олимпия”, Олмазор тумани “Олимпия”, Мирзо Улуғбек тумани “Ал-Форобий” маҳаллалари бўлди. Ушунинг маъсул ходимлари С.Насриддинов, А.Эшимқулов ва И.Саримсоқов мазкур маҳаллалар ахлига уюшма томонидан чоп этилган китобларни совға қилишди. Уюшма жамоаси маҳаллаларга китоб тарқатиб юрган маҳалла Олмазор тумани “Олимпия” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Раҳимжоновдан миннатдорлик видеоматкуби олди. Видеоматкубда у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан оналларга, ўқувчиларга, ёшларга тарқатилган китоблар учун миннатдорлик билдирган. Инсон ўқишдан тўхташа, фикрлашдан тўхташди, дейди Дени Дидро. Ўқинг ва фикрлашдан тўхтаманг! Зеро, фикрлаган инсонни ҳеч қандай куч енга олмайди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг мақсади ёруғ: карантин даврида юртдошларимизни уйда ўтиришга, китоб ўқишга ундаш! Бу кунлар ҳам ўтади, ўқиганингни қолади, азиз ватандошлар! Ўзингизни ва яқинларингизни тождор вирус балосидан асранг! Китоб олинг, уйда қолинг!

Фозил ФАРҲОД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ахборот хизмати раҳбари

«КУН ҲАМАЛГА КИРДИ ЭРСА...»

Қадимги фалақийет илмига кўра, ўн иккита бурж мавжуд бўлиб, Қуёш йил давомида ҳар бир буржда бир ойдан кўниб ўтган ва йилнинг охирига буржи — Ҳамалга ўтган кундан янги йил бошланган. Наврўз айёми Қуёш тақвими бўйича янги йилнинг биринчи куни — март ойининг 21 кунига тўғри келган. Аслида Наврўз айёми қадимдан халқимизнинг узоқ тарихи, маданияти, турмуши тарзи, яратувчанлик, бунёдкорлик ҳамда дехқончилик амаллари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бебаҳо миллий меросимиз, қадриятимиз, орзу-умидларимизнинг рамзи ҳисобланган. Мазкур рамзий муноҳода нафақат ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари, ҳусусан, мавсум-маросим кўшиқларда, балки мумтоз адабий асарларда ҳам ўзининг ёрқин бадиий, фалсафий, дидактик ифодасини топган.



Булуллар ёш оқитса, ёш ўғлон онадин туғартек ёш яшаб ўлган қора ердin кўк, ёш ўтлар унар”.

Адиб бу насрий лавҳада қадимда туркий халқларнинг йил тақвими бўйича фасларни киш ва ёз каби икки фаслга ажратишига алоҳида диққат қаратган (Бобур “Бобурнома”да “Хиндустонда уч фасл бўлур” деб ёзган) ва бу сингари пейзажда у шу анъана асосида баҳорнинг ёз деб тилга олган ва Хоразм воҳасининг “Ебон ёзи” билан таништирган. Адиб баҳорнинг ҳаволи

булуллари туфайли она Ер бағрида унган кўк майсалар, ўт-ўланлар, очилган савдои лола, латиф бианафша сингари гулу чечакларнинг ўзига хос ранг танлашини “яғир ер кулар”, “қора ердin кўк, ёш ўтлар унар” деб ниҳоятда жонли тасвирлаган. Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий”нда баҳор, Наврўз ҳақида битган ғазалини адибёшшунослар ўзбек (туркий) тилида ёзилган дастлабки мукамал ғазал сифатида баҳолаган. Она тилимизда биттилган дастлабки мукамал ғазал баҳор фасли тараннумига, Наврўз айёми шуқухига, умуман, “Ебон ёзи”га бағишлангани билан ҳам ниҳоятда қимматлидир. Ушбу машҳур ғазал:

Кун Ҳамалга кирди эрса келди олам Наврўзи, Кечди баҳман замҳарир кўш қолмади қори бузи — деган матла билан бошланиб, мактаси эса қуйидагича:

Хури ин уждоҳ ичинда енг солиб таҳсин қилур, Ёз уза мунодо ғазаллар аймишиди Носир Рабғузий.

Адиб ғазал матласида замондошларининг ҳурсандчилигига кўшилиб, доно халқнинг “Ҳамал кирди — амал кирди” деган машҳур мақолига ишора қилган бўлса, мактада эса баҳорни халқо-

на тарзда ёз деб битган ва у шундай таъсирли, гўзал ғазални ёзгани билан “аймишиди Носир Рабғузий” дея фахрланиб ўзининг таҳаллуусини ҳам қўллаган. Умуман, ушбу ғазал воқеабанд ғазал сирасига мансуб бўлиб, унда Хоразм воҳасига ёз (баҳор), Наврўзнинг кириб келишини воҳанинг ўзига хос табиати, миллий колоритига ўйғун тарзда бадиий талқин қилган.

Хоразм адабий мухитининг атоқли шоири, таржимони, давлатнинг бош мироси бўлган Оғахий Наврўз ҳақида лирик шеърлар, ҳатто “Наврўз” радиопи 9 байтдан иборат алоҳида ғазал ҳам ёзган. У бир ғазалида улғу устози Алишер Навоий ва бошқа шоирлар ўз шеърларида қўллаган ва муштарақ адабий ҳодисага мансуб “Ҳар тунинг Кадр Улубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз” деган ҳикматга эргашиб, дуога йўғрилган шоҳбайт ёзган. Байтда у Наврўз-феруз шаклида гўзал қофия яратган ва қофияга ўйғун оҳангга эса бўлсин радиопи кўллаб, ўзининг яхши ниятини, айёмона тилка, қутлов сўзларини халққа бахшида қилар экан, толеъ, феруз каби ижобий бўёқдор маъноли сўзларни кўллаб ниҳоятда кўтаринки руҳда баён этган:

Илоҳи, ҳар кунинг Наврўз бўлсин, Ҳамиша толеънинг феруз бўлсин. Ёки “Йилнинг яхши келиши баҳордан, Наврўздан маълум” деган халқ мақолининг мазмун-моҳиятини Наврўз радиопи воситасида ифодалаб туркона услубда байтлар битган:

Баланд айлаб Қуёшқа поя Наврўз, Кўтарди ер юзидин соя Наврўз,

Юқорида тилга олинган адиб, шоирларнинг баҳор (ёз) васфи, Наврўз айёми, халқ шодлиғаси ҳақидаги лирик, насрий битикларида қўллаган ва муштарақ адабий ҳодисага мансуб рамзий образни, яъни ота Қуёш тимсолини кузатиш мумкин. Улар Қуёшни ота Қуёш деб эрқалаб, тараннум қилар экан, баҳор сайли, Наврўзнинг таровати, фазли, она Ернинг уйғониши, бутун борлиқнинг қайта жонланишини ота Қуёшнинг заррин, олтин нуралисиз тасаввур қилиб бўлмаглигини ва танги бобо дехқоннинг дуо, илтижо билан она Ерга сепган бир уруғнинг етти юз дона бўлиб халқнинг мўл-кўл ризикта айланишида ҳаволи, қутли булулларнинг қут-баракаси, аслида, меҳрибон ва раҳмли Оллоҳнинг инояти, шафқати, эҳсони эканини ҳам санъаткорона тарзда талқин қилишган.

Буробия РАЖАБОВА, филология фанлари номзоди

Хоразм адабий мухитининг атоқли сўз санъаткори Носирудин Бурхонуддин Рабғузий халқнинг қишдан эсон-омон чиқиб, баҳор ва Наврўзни интиқлик, қатта умидлар билан қутлишини кузатган. У насрий усулнинг илк нодир намуналаридан бири деб ҳисобланмиш “Қисаси Рабғузий” асаридида туркона услуб билан баҳор, Наврўз манзараларини тасвирлаган. Ўзининг ёзишича, асарни бир йил давомида битган ва айнан Наврўз айёми кунни яқинига етказган. “Қисаси Рабғузий” китоби, асосан, пайғамбарлар ҳақидаги ибратли, ислом маърифатига йўғрилган киссалардан иборат бўлиб, адиб қимматли асарининг энг таъсирли кисса бўлимиш “Қисаси Юсуф Сиддик алайҳиссалом” номли фикрасида баҳор, Наврўз тўғрисида туркона насрда лавҳа ҳамда “Баҳориёт” фаслида 11 байтдан иборат Наврўзга бағишланган ғазал битган. Асардаги насрий усулда ёзилган баҳор, Наврўз ҳақидаги лавҳа Юсуфнинг акалари тилидан оталари Якуб пайғамбарга қилган мурожаатда учрайди. Чунончи: “Айдилар: Эй ота, ёз куну бўлди. Бу кун Кун (Қуёш) отлиг Султон Хут отлиг кишлоқдин Ҳамал отлиг ёзга ўтгади. Адиз кўк йиғлар, яғир ер кулар.

КУЮНЧАК ГАЗЕТХОНДАН МАКТУБ

МОДДИЙ МАНФААТ МАЪНАВИЯТДАН УСТУНМИ?

Одатий ташбехга кўра, инсонга энг яқин дўст бу — китобдир. Агар шу дўст савияли ва мазмулли бўлса — яхши. Ўқувчига маънавий озука бера олмайдиган савияси паст китобларни «дўст» дейиш қанчалик тўғри бўларкин? Зеро, ёнимизда юрайдиган дўстимизнинг ютуқ ва камчиликларини билиб қўйсак, зарар қилмайди. Турли тавловлар воситасида китобхонлик юксак тақдирланаётган пайтда бизнинг эҳтиёжимизни қондира оладиган китоблар сони жуда оз миқдорни ташкил этиши маълум бўлмоқда. Хусусий нашриётларда чоп этилаётган “харидорғир” китобларнинг сони кўп, аммо барчасининг ҳам савияси ҳақида ижобий фикр айтиш мушкул. Баъзан бирор-бир бадиий асарни ўқиш учун қўлга оладиган бўлсак, аввало, гўж-гўж имловий хатоларга кўзимиз тўшади. Бу ачинарли ҳол, албатта. Аммо бундан ҳам таассуфлиси, 200 бетлик китобнинг тахминан 50-саҳифасига етганимизда асар охирида қайси қаҳрамонга нима бўлиши ҳақида айтиб бера оламиз ва бу тахминимиз кўп ҳолларда тўғри чиқайди. Биз бугун ёшларнинг имло бўйича саводи яхши эмаслиги, иншо ёки ижодий баён ёзиладиган бўлсак, улар 12 варақли дафтарнинг бир бетинигина тўлдириб бера олиши ҳақида бот-бот гапирамиз. Хўш, энди ўзимизга савол бериб кўрайлик. Бундай савия ва мазмун жиҳатдан даражаси паст бўлган асарларни ўқиб улғаяётган авлодининг ижодий фикрлаши бир бетлик иншондан нарига ўта оладими? Сўзларнинг хато ёзилишини китобда кўравериб кўзи пишган шахсининг ёзган бир бетлик иншосининг ўзиёқ “долазор”га айлланиши ҳеч қимми ажаблантирмавса ҳам бўлади!

Моҳиёру РУСТАМОВА

Бобур номидаги халқаро жамоат фонди жамоаси Ўзбекистон санъат арболи, Давлат муқофоти лауреати, Бобур халқаро муқофоти соҳиби
Мақсул ЮНУСОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси
Шавкат ТУРОБнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

“Тафаккур” журнали жамоаси фотомухбир
Рихситилла НУРИНБОЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Манзилемиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Бош муҳаррир Салим АШУРОВ
Хамқоримиз: Ижод akfa

Таърихиятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайдin. Муаллифлар фикри таърихият нуқтаи назаридан фарқланмиши мумкин.
Маъсул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Ҳўмон АКБАРОВ
Салҳалоқин: Зафар РҲЗИЕВ
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Босмаҳона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Боснишга топириш вақти - 21.00.
Боснишга топирилди - 04.00.
ISSN 2101-134X
772182414000